

**“Кўқон ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁНИ**

Йиғилиш ўтказилган сана: 21.10.2021 йил

Йиғилиш ўтказилган вақт: соат 14-00

Йиғилиш ўтказилган манзили: Кўқон шаҳри, Маворауннаҳр кўчаси 84 уй.

Жамиятнинг овоз берувчи акциялари умумий сони - 1 392 490 дона;

Жамиятнинг рўйхатга олинган овозлар сони - 744 600 дона

Умумий йиғилиш кворуми - 53,47 %

Қатнашдилар:

№ т/р	Ф.И.Ш.	Акциядорнинг номи	Акциялар сони, дона	Улуши, (%)
1.	Фармонов Б.Б.	Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг	710170	51,00
2.	Ходжаева Ш.Н.	Жисмоний шахс,	10	0,0007
3.	Имамов М.М.	Жисмоний шахс,	33250	2,388
4.	Ахмедов М.	Жисмоний шахс,	90	0,006
5.	Султанова М.Дж.	Жисмоний шахс,	160	0,011
6.	Муродов Т.Т.	Жисмоний шахс,	30	0,002
7.	Азимова Г.У.	Жисмоний шахс,	20	0,0014
8.	Шарипова А.Ё.	Жисмоний шахс,	40	0,003
9.	Исмаилова Л.Б.	Жисмоний шахс,	250	0,018
10.	Давронов А.Н.	Жисмоний шахс,	10	0,0007
11.	Муйдинов З.А.	Жисмоний шахс,	10	0,0007
12.	Абдуллаев К.Р.	Жисмоний шахс,	40	0,003
13.	Хусанов А.О.	Жисмоний шахс,	20	0,0014
14.	Эргашев Ж.Ф.	Жисмоний шахс,	30	0,002
15.	Умаров Т.Т.	Жисмоний шахс,	20	0,0014
16.	Саибназаров Х.Н.	Жисмоний шахс,	10	0,0007
17.	Эргашева Г.П.	Жисмоний шахс,	40	0,003
18.	Шукурова Д.М.	Жисмоний шахс,	370	0,027
19.	Бабаджанов Д.Т.	Жисмоний шахс,	30	0,002
	ЖАМИ:		744 600	53,47

Йиғилиш раиси: Б.Фармонов - Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 20 октябрдаги 4587/03-08-сонли ишончномага асосан жамият устав капиталидаги 51,0 фоиз акциялари бўйича ишончли вакили.

Йиғилиш котибаси: Ш.Н.Ходжаева

“Қўқон ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Жамият томонидан АТБ “ИнФинБанк” Қўқон филиалидан олинган 11 000 000 (ўн бир миллион) АҚШ доллар миқдорига кредит муддатини узайтириш - йирик битим тузиш тўғрисида.

Сўзга чиқдилар:

Йиғилишда қатнашган “Қўқон ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорлари томонидан йиғилиш раиси этиб бир овоздан Давлат активларини бошқариш Агентлигининг ишончли вакили **Б.Фармоновни** сайлашди. Йиғилиш раиси навбатдан ташқари умумий йиғилишга келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан таништириш учун сўзни санок комиссиясининг раисига берди.

Санок комиссиясининг раиси Х.Азимов йиғилишда умумий 1 392 490 та овозга эга бўлган 1127 та акциядорлардан 744 600 та овозга эга бўлган 19 та акциядорлар қатнашаётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 53,47 % ини ташкил қилади. Қонунчиликда белгиланган тартибга асосан кворум мавжудлиги сабабли умумий йиғилишни очиш бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси, **Б.Б.Фармонов** йиғилишда жамият Кузатув кенгаши, ижро органи иштирок этаётганлигини айтиб, йиғилиш раёсатини ва котибиятини сайлаб олишни таклиф этди.

Жамият акциядори Д.Бабаджанов йиғилиш раёсатини 2 кишидан иборат таркибда сайлашни ва раёсатга жамият акциядори Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили, Кузатув кенгаши раиси **Б.Б.Фармонов** ва бошқарув раиси **К.И.Артиковларни** сайлашни таклиф қилди. Йиғилиш қатнашчилари томонидан раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни қайд қилиш ва йиғилиш баёнини юритиш учун йиғилиш котибиятига Ш.Н.Ходжаевани бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди. Овоз бериш, кун тартибининг 2 масаласи бўйича бюллетенлар орқали овоз берилишини, овоз бериш бюллетенлари акциядорларга уларни рўйхатга олиш пайтида тарқатилганлиги ва овоз бериш ҳамма масалалар муҳокама қилиб бўлинганидан сўнг амалга оширилишини таъкидлаб ўтди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга ўтилди.

Кун тартибидаги **1-масала** бўйича йиғилиш раиси **Б.Фармонов** жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги

регламентини ва кузатув кенгашининг 27.09.2021 йилдаги мажлисида ташкил этилган **Х.Азимов, М.Юсупова** ва **Н.Қурбоновалардан** иборат навбатдан ташқари умумий йиғилишида санок комиссияси таркибини тасдиқлаш юзасидан таклиф киритди. Кун тартибидаги масалалар бўйича **Б.Б.Фармоновга** 10 дақиқагача, асосий маърузачи **К.И.Артиковга** 20 дақиқагача, қолган масалалар бўйича маърузачиларга 5 дақиқагача ва музокараларда сўзга чикувчиларга ҳам 5 дақиқагача вақт беришни, йиғилишни танафуссиз 1 соат ичида яқунлашни таклиф қилди.

Музокаралардан сўнг “**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлансин**”, деган таклиф овозга кўйилди.

Йиғилиш раиси **Б.Б.Фармонов** кун тартибидаги **2-масала** юзасидан хисобот бериш учун сўзни жамият бошқаруви раиси **К.И. Артиковга** берди.

Бошқарув раиси **К.И.Артиков** 2021 йил пахта ҳосилидан сотиб олинадиган пахта техник чигитлари Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали олинишида нархнинг барқарор ойлари октябрь-декабрь, кейинги ойларида пахта техник чигит нархи кескин ошиб кетиши ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларимизнинг таннархини ошиб кетишига олиб келмоқда. Бундан ташқари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, бизнес-режа кўрсаткичлари асосий параметрларини бажариш, ишчи-хизматчиларни иш билан таъминлаш ҳамда жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини барқарорлашишини таъкидлаб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун АТБ “ИнФинБанк” Қўқон филиалидан 16.10.2020 йилда тузилган №1 сонли Бош келишувга асосан кредит маблағларини сўмга конверсия қилиш ҳуқуқи билан, 12 (ўн икки) ой муддатга кредит асосий тани тўловлари учун 9 (тўққиз) ой имтиёзли давр билан йиллик 7,99 (Етти бутун юздан 99) фоиз устама ҳақи тўлаш шarti асосида 11 000 000 (Ўн бир миллион) АҚШ доллари миқдорида олинган кредит маблағларидан фойдаланиш муддатини 15.10.2021 й. кундан 15.10.2022 й. кунгача – 12 (ўн икки) ойга узайтирилиши, кредит асосий тани тўловлари учун 9 (тўққиз) ой имтиёзли давр билан йиллик 5,99 (Беш бутун юздан 99) фоиз устама ҳақи тўланишини айтиб, 16.10.2020й. куни №1 сонли бош келишув шартномага асосан қуйида келтирилган ишларни амалга оширишни таъкидлаб ўтди:

01.10.2021й. кун ҳолатига “Қўқон ёғ-мой” АЖнинг молиявий хисоботларини АТБ “InFinBank” Қўқон филиалига тақдим этиш;

- Тақдим этилган ТИА (техник-иқтисодий асослаш) янгилаш ва АТБ “InFinBank” Қўқон филиалига тақдим этиш;
- АТБ “InFinBank” Қўқон филиали ва “Қўқон ёғ-мой” АЖ ўртасида 16.10.2020й. куни тузилган №1 сонли бош келишув шартномаси доирасида АТБ “InFinBank” Қўқон филиали томонидан талаб қилинган бошқа ҳужжатларни тақдим этиш.
- АТБ “InFinBank” Қўқон филиали ва “Қўқон ёғ-мой” АЖ ўртасида 16.10.2020й. куни тузилган №1 сонли бош келишув шартномасига асосан кўшимча шартномани тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали пахта чигитини сотиб олиш учун кредит маблағларини сўмга конверсия қилиш ҳуқуқи билан 11 000 000 (Ўн бир миллион) АҚШ доллари миқдорида олинган кредит маблағларидан фойдаланиш муддатини 15.10.2021 й. кундан 15.10.2022 й. кунгача – 12 (ўн икки) ойга узайтирилиши, кредит асосий тани тўловлари учун 9 (тўққиз) ой имтиёзли давр билан йиллик 5,99 (Беш бутун юздан 99) фоиз устама ҳақи тўланишида розилик беришларини сўради.

Музокаралардан сўнг, жамият томонидан АТБ “ИнФинБанк” Қўқон филиалидан олинган 11 000 000 (ўн бир миллион) АҚШ доллар миқдорида кредит муддатини узайтиришига Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 22 октябрдаги 4518/03-08-сонли кўрсатмасига асосан розилик берилсин, деган таклиф овозга қўйилди.

Йиғилиш раиси Б.Б.Фармонов мазкур масалалар юзасидан киритилган таклифларга бюллетень орқали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради. Шундан сўнг овоз бериш бошланди.

Овозларни ҳисоблаш учун 10 минут танаффус эълон қилинди.
(танаффусдан сўнг)

Йиғилиш раиси сўзни санок комиссияси раисига берди. Санок комиссиясининг раиси Х.Азимов санок комиссияси мажлисининг баёни ва далолатномасини ўқиб берди (илова қилинади). Жумладан:

Ҳақиқий деб топилган бюллетенлар сони 19 дона, яъни 744 600 та овоз.

Овоз бериш натижалари ҳисобланганда, овозлар қуйидагича тақсимланганлиги маълум бўлди:

Кун тартибининг биринчи масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 744 600 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг иккинчи масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 744 600 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Шу билан умумий йиғилиш ўз ишини тамомлади. Йиғилиш сўнгида,

**“ҚЎҚОН ЁҒ-МОЙ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИ ҚУЙИДАГИЧА**

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:


1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлансин.

2. Жамият томонидан АТБ “ИнФинБанк” Қўқон филиалидан кредит маблағларини сўмга конверсия қилиш ҳуқуқи билан, 11 000 000 (Ўн бир миллион) АҚШ доллари миқдорида олинган кредит маблағларидан фойдаланиш муддатини 15.10.2021 й. кундан 15.10.2022 й. кунгача – 12 (ўн икки) ойга узайтирилиши, кредит асосий тани тўловлари учун 9 (тўққиз) ой имтиёзли давр билан йиллик 5,99 (Беш бутун юздан 99) фоиз устама ҳақи тўланишига розилик берилсин.

3. Жамият томонидан жалб қилинган кредит маблағларини мақсадли сарфланиши ва ўз муддатида сўндириб борилиши бўйича барча жавобгарликни жамият Бошқарув раиси К.И.Артиков зиммасига юклатилсин ҳамда кредит маблағларини сўндириб борилиши ҳолатини кузатув кенгаши мажлисларида танқидий кўриб чиқилиши таъминлансин.

Инғилиш раиси,

**Давлат Активларини Бошқариш
Агентлиги ишончли вакили:**



Б.Б. Фармонов

Инғилиш котибаси:



Ш.Н. Ходжаева

Баённома 25.10.2021 йил куни икки нусхада расмийлаштирилди.